

ТАСАВВУФ – ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА

Абсатторов Бахтиёр Мамарасулович, (Ph.D)

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим кафедраси доценти в.б. ф.ф.б.ф.д

ARTICLE INFO.

Калим сўзлар:

Маънавий қашшоқлик, ахлоқий нигилизм, трансформация, рухий ҳолат, конструктив маънавий қадриятлар, интеллект, ирода, жон, рух, нафс.

Аннотация

Мазкур маколада глобаллашув жараёнида “маънавий қашшоқлик”, “ахлоқий нигилизм” каби умумбашарий характерга эга бўлган иллатларга карши курашишда тасаввуп таълимотининг умуминсоний хусусиятларга эга бўлган конструктив маънавий қадриятлар тизимини, моҳиятини англаш, ва воқеиликни ворисийлик ва замонавийлик принципи уйғунлаштириш, тасаввуп ва ирфоннинг инсон камолотига маънавий-рухий соғломлаштирувчи таъсирини ҳозирги давр янгиликлари билан синтезлаш зарурияти асосланган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Жаҳонда сўнгти вақтларда дунё ҳалқарининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш, ҳалқаро маданий трансформация жараёнини меъёрлаштириш, умумбашарий қадриятларни юксак мақомга кўтариш, инсониятни ягона мақсад сари бирлаштириш ва ўзаро ҳамжиҳатликка йўналтириш каби талабларга жавоб берадиган, умуминсоний хусусиятларга эга бўлган конструктив маънавий қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб бормоқда. «Бугунги кунда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида айrim ўлкаларда бетоқатлилик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бормоқда. Мана шундай кескин вазиятда улуғ мутафаккирлар айтганидек, дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсонийлик куткаради»[1:278]. Бу борада интеллект, ирода сифатлари орқали баркамоллик категориясининг асосий компонентларини бойитиш долзарб аҳамият касб этиб, ахлоқийликни янада кенг ривожлантиришни талаб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнида “маънавий қашшоқлик”, “ахлоқий нигилизм” каби умумбашарий характерга эга бўлган иллатларга карши курашишда ворисийлик ва замонавийлик принципини уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш, тасаввуп ва ирфоннинг инсон камолотига маънавий-рухий соғломлаштирувчи таъсирини ҳозирги давр янгиликлари билан синтезлаш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Тасаввуп – ҳам назария, ҳам амалиётни ичига олган ислом дини таркибидаги диний-фалсафий таълимот бўлиб, инсоннинг руҳий-маънавий тарбияси ва унинг камолоти учун хизмат қилиб келган.

Тасаввупнинг Шарқда кенг тарқалишига боис унинг араб, форс ва туркий тилларда буюк бир

шөөриятни вужудга келтиришидир. VIII – IX асрларда Мансур Ҳаллож сингари улуг сүфийлар ижоди билан бошланган сүфиёна шөөрият XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланды, ўзига хос образлар, тимсоллар олами, алоҳида рамзлар, услугуб ва усуллар шаклланди [2:27]. Тасаввуф – кўп турли кўринишларда намоён бўладиган, аммо ягона мақсадни кўзлаган таълимотлар йигиндиси: оддий шахсият чекловлари ва идрок этишдаги камчиликларни енгиб ўтиш ҳолатидир. Тасаввуф шунчаки назариялар ёки фаразлар йигиндиси эмас, ишқ йўли, фидойилик йўли ва илм йўлидир. Тасаввуфнинг турли кўринишлари ва тарбия усулларида шахснинг маънавий камолоти йўлидаги ақлий ва ҳиссий тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам берадиган ёндашувни топиш мумкин.

Тасаввуф ҳақида гап кетганда, бу йўлда инсоннинг бекатдан (даражадан) бекатга ўтиш жараёнида хушёрлик ҳолатидан ташқарига чиқадиган руҳий ҳолатлар жараёни содир бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларни бошидан кечирган инсонлар ҳақиқат ва ҳақни билиш томон яна бир қадам ташлайди.

Ислом тасаввуфининг моҳиятини англаш учун сўфий кишининг ички кечинмалари оламига шўнғиши лозим. Қуръони Каримда Аллоҳ инсон тўлиқ идрок эта олмайдиган парадоксал борлиқ сифатида талқин қилинган, чунки чекланган нарса ўз табиатига кўра чексизни идрок этишга қодир эмас. Бироқ, инсон диний амалиётда Илоҳий воқеликни англаш ҳолатини “бошдан кечириши” мумкин. Бу ҳис-туйғулар мажмуаси орқали намоён бўлади. Инсон ўзлиги ва илоҳий моҳиятни англамагунча, илоҳий нурланиш сари интилаверади. Ўзида илоҳий сифатларни мужассам этган ориф илоҳий “моҳият” касб этади ва оламнинг кутби (микрокосм)га айланади. Азизиддин Насафийнинг таърифига кўра, инсон нарса-ходисаларнинг ботиний моҳиятини англаса ва тақлид чегарасидан ирфон чегарасига қадам кўйган бўлса, уни “донишманд” (“ориф”) дейдилар ва унинг руҳини “донишманд (“ориф”) руҳи” деб айтадилар[3:275]. Тасаввуфда “орифлик” ҳақида гап кетганда, бу йўл ҳам бизнинг чекланган хушёрлик ҳолатимиздан ташқарига чиқадиган руҳий ҳолатлар тажрибасига олиб келади. Бундай ҳолатларни бошидан кечирган одамлар уларни чуқур билим, ҳақиқат билан боғлиқлигини англайди.

Ориф тушунчаси маънавий-ахлоқий ва ирфоний даражаси юксак бўлган инсонга нисбатан ишлатилади. Орифнинг Тавҳид – Аллоҳнинг ягоналиги ҳақидағи қарашлари ҳалқнинг Тавҳидга муносабати билан фарқланади. Ориф учун “тавҳид” ҳақиқати маънавий камолотнинг энг юксак чўққисидир. Абу Али ибн Сино орифни қўйидагича таърифлаган: илоҳий құдрат (Аллоҳ)нинг құдрати ҳақида мушоҳада юритган ва қалбини ҳамиша илоҳий сирларнинг нури билан ёритишига интилган сўфий “ориф” деб аталади [4:366]. Ориф киши ўзлигини англаши, камолотга етиш учун доимий ҳаракат ва зикрда бўлиши лозим. Ориф кишининг маънавий камолотида албатта, диний-ахлоқий талаб ва қоидалар мухим аҳамият касб этади.

Ўзни англаш ҳам бир кечада таъсири сезиладиган туйғу эмас. Бу худди бадан ўсиб-улғайиб, бўй чўзилгани каби аста ва давомли рўй берадиган жараёндир [5:342]. Тасаввуф таълимоти инсон маънавий камолотга етишнинг ўзига хос усулларини ва механизмларини ишлаб чиқди. Бу механизмлар шариат ва тариқат, устоз–шогирд (муршидлик ва муридлик), нафсни тарбиялаш, зикр ва тавба шулар жумласидан бўлиб, ҳозирги кунгача жамият маънавий ҳаётida ўзининг амалий қийматини йўқотмаган.

Тасаввуфий билимлар, сўфийларнинг фикрича, “қалб”да сақланади, лекин биз “қалб” деб атаган жисмоний аъзода эмас, балки инсоннинг руҳий моҳияти – руҳ “қалби”да сақланади. “Қалб” (ар. “қалб”)нинг ички мазмуни “нафс” (араб. “жон”), жон (форс. “жон”), “дил” (форсча) деб аталади. Нафс, аксинча, инсоннинг “Эго”си ёки “ҳайвон руҳи” бўлиб, уни “ички кўриш” (басират-и ботин) орқали билиш мумкин бўлса, унинг асл моҳиятини “руҳ” (ар. “руҳ”) белгилайди. Идрок инсон руҳи оддий ва мукаммал субстанция бўлиб, унинг қадр-қиммати ва ўзига хослиги фақат эслаш, мулоҳаза юритиш, тафаккур қилиш, аниқлаш ва кириб бориш билан боғлиқ эканлигини тушунишга олиб келади.

Инсон ақли, тафаккури, қалби, иймон ва эътиқоди билан Ҳақни таниб боради. Буни биз маърифат деб атайдиз. Абу Ҳасан Нурий айтади: “Маърифат” – икки маърифатдан иборат. Ҳақни таниш ва ҳақиқатни билишдир. Аммо Ҳақни таниш – бу мавжуд кўринган сифатларга биноан ваҳдониятни исбот этишдир. Аммо Ҳақиқатни билиш – абадийлик ва Парвардигорлик ҳақиқати бундан ман этгани учун бунга йўл йўқ” [6:23]. Нажмиддин Розий ҳам маърифатнинг икки: ақлий ва шуҳудий (мушоҳадали билиш) шаклини кўрсатган [7:97], яъни ақлий билиш барча инсонларга хос бўлса, шуҳудий маърифат мушоҳада, кашф, илҳом орқали намоён бўлиб, танланган кишилар (валий, ориф, пир-муршид) мартабасидир. Пайғамбарларда содир бўлгани каби ориф зотларда ҳам илм баъзан илоҳий нур орқали қалбларига ўrnashsa, баъзан мукаммал тартиб-қоида, таълим-тарбия, эътикоф, зикр орқали ўзлаштирилади.

Маърифатнинг иккинчисини англашда инсоннинг тафаккури ожизлик қиласи. Буни қўйидаги фикр ҳам таъкидлайди: “Бир киши “Факиҳатан ва аббан”ни қироат қилиб туриб, “аббан”нинг маъносини сўраганда, Умар розияллоҳу анху: “Биз чуқур кетишдан ва ортиқча уринишдан қайтарилганмиз”, дедилар [8:243]. Инсоннинг мақсади ўзлигини англаш, Ҳақни таниб, у рухсат этган амалларни бажариб, ман этганларидан қайтарилиб яшаш асл инсоний маърифатдир.

Маърифат (илоҳий нур) Аллоҳнинг ҳақлиги белгиси бўлса, ориф ирфон соҳиби (пурнур)дир. Маърифат Аллоҳни танишлик илми бўлиб, Ҳақни танитади. Қалби Тавҳид нури билан жилолангандан ориф Аллоҳнинг шавқида яшайди. Маърифатнинг ҳақиқати Аллоҳга бўлган муҳаббатни қалбга жойлаш, тил билан Аллоҳ зикрида бардавом бўлиш ҳамда Аллоҳдан ўзга ҳеч бир нарсани истамасликда намоён бўлади. Маърифатнинг мақоми шундай манзилки, унда нафснинг қора “парда”сини қалб ойнасидан очиш ва уни тозалаш билан хосил бўлади. Ўша замониёқ илоҳий жамолнинг махфий ҳазинаси кўрина бошлайдики, бу қалб сирларининг (ҳақиқатан ҳам) намоён бўлишидир [9:43]. Маърифатнинг минглаб сифат, белги ва даражалари бўлиб, ҳар бир сифат ҳалқнинг кўз ўнгидан орифнинг маърифати даражасида намоён бўлади. Инсон гуноҳ қилишдан, қалбга озор беришдан чекиниши ҳам асли маърифатдир.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний назарида, маърифатнинг чегараси нафсни бошқариш ва бунинг тадбiri ҳалол нарсалардан баҳраманд бўлишни одат қилишдир [10:13].

Ибн Арабий маърифатга олиб борувчи илмларни “ақлий-ҳиссий”, “ҳол” ва “сирр ул-асрор” илмига ажраттган. “Ақлий-ҳиссий” илм зоҳирий илм билан шуғулланадиган тоифага тегишли бўлса, “ҳол” илми завқ ҳолатида кашф этилган илмдир. “Сирр ул-асрор” илми илоҳий маърифат илми бўлиб, маърифат ахли илмни тўғридан-тўғри Аллоҳдан олган, яъни илм шуъла (нур) кўринишида қалбга жойлашган.

Илоҳий маърифатга етиш улуғ илмдир [11:39]. Орифнинг қалбидан илоҳий маърифат булоқдай қайнаб турадики, бундан англашиладики, инсон Ҳақ маърифатини англаш орқали борлик ҳақиқатига эришади.

Инсонни қалб воситасида ўзлигини англашга қаратилган “қалб” концепциясига кўра, қалб тўрут қисмдан иборат бўлиб, “ас-садр” ислом нури, “ал-қалб” имон нури, “ал-фуъод” ирфон нури, “ал-лубб” тавҳид нури билан боғланган. Ирфоний билишнинг ҳар бир даражасида орифнинг руҳий-маънавий ҳолати ўзгариб, нарсаларнинг зоҳирини билган оддий сўфий ўзини ҳамма нарсани билгандек ҳис этади. Орифга ҳақиқат эшиклари очилгач, илмнинг чексиз ва бепоёнлигидан ўзини йўқотади. Сўнгра таҳлил-тадқиқка ўтиб, илмнинг моҳиятан Ваҳдат (кулл)га олиб боришини англайди. Шундан сўнг ориф тамкин ҳолига ўтиб, хотиржам бўлади, имони мустаҳкамланади.

Борлиқнинг яралишидан мақсад илоҳий маърифат (Ҳақни таниб олиш ва уни кўра билиш)дир. Илоҳий маърифат йўли “парда”лар билан тўсилгани учун барчага бирдек намоён бўлмайди. Маърифатга тўсқинлик қиласидиган “парда”лар билганига амал қилмаслик, билмаганини бажариш, билмаганини ўрганмаслик, ўрганаман деганинг йўлини тўсишдир. “Парда”ларнинг

бири муҳрланган (“хижобирайн”) бўлса, иккинчиси хиралаштирувчи, қоронғилаштирувчи (“хижобиғайн”), яъни қалбдаги пардадир. Биринчиси ғайб “парда”си бўлгани учун, унинг муҳрини очиб бўлмайди, иккинчи “парда” эса маърифат орқали очилади.

“Диний-аҳлоқий тажриба мукаммаликни талаб қиласи У инсонни умуминсоний борлиқнинг энг буюк ва энг соф марказига ошиқ қиласи, унга ҳамма жойда Ўз кучларини, нурларини, нафасини кўрсатади. Инсон Уни идрок этишга интилади ва бу идрок ундан покланиш ва такомиллаштиришни талаб қилишига тезда ишонч ҳосил қиласи; инсон Ҳақ билан мулоқот қилишни орзу қиласи ва бу мулоқот унга ўзининг ички ҳолатлари ва ҳаётий ишларини комилликка яқинлаштиришга муваффақ бўлган даражада намоён бўлади. Энди шу даражаларнинг талқинига тўхтасак:

Л.Массигноннинг ёзишича, сўфийларнинг маънавий амалиётига оид салмоқли асар Мисрдаги илк тасаввуфнинг энг машҳур намояндаси Зуннун ал-Мирсий (тахминан 796-860-61) қолдирган. У ўн бир босқич ва уларга ҳамроҳ бўлган ҳолатларнинг тавсифи устида тўхталиб ўтган: имон, қўркув, эҳтиром, камтарлик, умид, севги, азоб-уқубатлар, яқинлик, чалкашлиқ, факирлик, бирлик.

Унинг замондоши, форс тасаввуф олими Яхё ибн Муъз тасаввуфдаги қуидаги мавқеларни белгилайди: тавба, зоҳидлик, илоҳий иродасидаги хотиржамлик, хавф (қўркув), лағрлик, ишқ, илм. Имом Муҳаммад Ғаззолий “Эҳё улум ад-дин” (Дин илмларини жонлаштириш) китобида сўфийлик тизимини тўққиз асосда баён қиласи: гуноҳлардан тавба қилиш; қийинчиликда сабртоқат; Худога миннатдорчилик; Худодан қўрқиш; нажот умиди; ихтиёрий қашшоқлик; молу дунёдан воз кечиш; ўз хоҳиш-иродасидан воз кечиш; Худога бўлган илоҳий муҳаббат.

Абу Наср ас-Саррож ат-Тусий “Китоб ал-Лумаъ фи-т-тасаввуф” китобида тасаввуфга янги кирган шогирд устоз раҳбарлигига еттига бекатдан ўтиши кераклигига ишора қиласи. Фаридиддин Атторда ҳам биз айнан юқоридаги етти бирликни кўришимиз мумкин: тавба, эҳтиёткорлик, тийилиш, факирлик, сабр, умид, қаноат.

Ал-Қушайрий “Ар-рисола ал-Қушайрия фи илм ат-тавассуф” (“Қушайрийнинг Тасаввуф илмидаги рисоласи”) асарида тасаввуфда эллик мавқени кашф этади. Бошқа барча ривоятлардан фарқли ўлароқ, Абу Наср ас-Саррожда “бекатлар” ва “даражалар” аниқ ажратилган, чунки “бекатлар шахсий ютуқ”, “даражажа эса юқоридан совғадир”. Ҳаммаси бўлиб ўнта ҳолат мавжуд: кузатиш, Аллоҳга яқинлик (ал-курб), севги (маҳабба), қўркув (хауф), умид (ракжа), соғинч (мауч), меҳр (унс), хотиржамлик (итмиънан), далил (мушаҳада), аниқлик (якин).

Тасаввуф маърифати ва маънавиятининг мезонлари, ҳадисда таъкидлаганидек, гўзал хулқ ва пок ахлоқdir. Хорис Муҳосибий гўзал хулқни “тарозини босувчи энг оғир нарса” [12:126] деб таърифлаган. Инсонда юксак даражадаги пок ахлоқ ва соғлом эътиқодни шакллантириш учун илм ва касб-хунар ўргатиш муҳим, чунки илм инсонда эзгу ният ва соғлом фикрни уйғотса, касб инсоннинг ниятларига етишишида восита бўлади.

Хулоса ўрнида инсон руҳиятининг етуклиги инсоннинг ўзлигини тўлиқ ҳис этиб яшashi билан боғлиқ бўлиб, буни “худбинлик” ёки “эгоцентризм” деб баҳолаш хатодир. Инсоннинг руҳиятида юзага келган маънавий инқирозлар инсоннинг руҳиятида вужудга келган зиддиятларнинг инъикосидир. Замонавий инсон руҳий мувозанатга эришиши, қалбини саломат сақлаш учун ҳар қандай изтироб, машакқат, ишончсизлик, худбинлик, ўз-ўзини айблашдан иборат кун кечириш тарзидан онгли воз кечиш ва тўлиқ розилик, шукроналик, соғлом тафаккур, хуш кайфият, кечиримлилик, миннатдорлик билан яшаш тарзига ўтиш керак. Биринчидан, инсон камолоти узлуксиз такомиллашиб боришни ўзида акс эттирувчи жараён ҳисобланса, иккинчидан бутун “бекатлар” ва “даражалар” тизими асрлар давомида сўфийларнинг ўз тасаввуфий тажрибаси талқини асосида шакллантирилди, учинчидан, одамлар асрдан асргача трансценденция тажрибасининг қонуниятлари ва умумий хусусиятлари тўғрисида билим тўпладилар, бунинг

натижасида ҳар бир “бекат” ўзига хос психологик контекстга эга бўлган тасаввуфий психологияни вужудга келишида пойдевор вазифасини бажарди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 278.
2. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 27.
3. Бу ҳакда қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари / Масъул мухаррир З.Исҳоқова. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – Б. 275.
4. Ибн Сина. Указания и наставления (Раздел по метафизике). Часть пятая / Перевод с арабского, предисловие и комментарии Т.Ибрагима и Н.В.Ефремовой. – Москва: Orientalistica, 2019. – С. 366.
5. Абу Ҳомид Фаззолий. Ихъюу улумид дин. Араб тилидан таржима Рашид зоҳид. – Тошкент: Матбаачи, 2022. – Б. 342.
6. Имом Абу Абдураҳмон Сулайми. Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида муқаддима. Таржима Абдулҳамид Муҳаммад Турсун. – Тошкент: HIOL–NASHR, 2020. – Б. 23.
7. Мухамедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе: Дониш, 1990. – С. 97.
8. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: HIOL–NASHR, 2022. – Б. 243.
9. Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрға тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул мух. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 43.
10. Шарипова О. Абдухолиқ Ғиждувоний. – Бухоро, 2020. – Б. 13.
11. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 39.
12. Хотамий С. Ислом тафаккур тарихидан. – Тошкент: Минҳож, 2003. – Б. 126.
13. Absattarov, B. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
14. Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. *Учёный XXI века*, (12-1 (71)), 75-81.
15. Absattarov, B. M. (2019). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. In *НОВАЯ НАУКА: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 135-141).
16. Qaxxarova, M., & Absattarov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.
17. Kholmuminov, J. M. (2022). THE POSITION OF TASAVVUF AND IRFAN IN MAVERUNNAHR AND KHORASAN: IBN AL-ARABI AND ABDURAHMAN JAMI (A COMPARATIVE ANALYSIS). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 76-92.
18. Холмуминов, Д. М. (2021). ТАСАВВУФНИ ШАКЛАНТИРГАН МАНБАЛАР МУАММОСИ ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИДА. *Исследование Ренессанса Центральной Азии*, 2(2).

19. Холмүминов, Ж. М. (2021). МОВАРОУННАХР ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ МАКТАБЛАРИ ВА ИБН АЛ-АРАБИЙ ТАЪЛИМОТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 803-811.
20. Холмуминов, Д. (2021). ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ СУФИЗМА—ОДНА ИЗ ОСНОВ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО СОЗНАНИЯ. *Academic research in educational sciences*, 2(11), 1145-1150.
21. Холмүминов, Ж. М. (2022). “ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК”—ТАСАВВУФ ТАРИХИ ВА ФАЛСАФАСИ ДОИРАСИДАГИ ЯНГИ ФАН СИФАТИДА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5), 194-213.
22. Холмүминов, Ж., & Раҳмонбердиев, И. (2022). ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИНинг ГЛОБАЛ АҲАМИЯТИ ВА ДОЛЗАРБ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 145-153.
23. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.
24. Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. *Учёный XXI века*, (12-1 (71)), 75-81.
25. Absattarov, B. M. (2019). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. In *НОВАЯ НАУКА: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 135-141).
26. Absattarov, B. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
27. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS.
28. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Scienceweb academic papers collection*.
29. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 107-114.
30. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201
31. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.
32. Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. *Учёный XXI века*, (12-1 (71)), 75-81.
33. Absattarov, B. M. (2019). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. In *НОВАЯ НАУКА: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 135-141).
34. Absattarov, B. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
35. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS.
36. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МА҂НАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Scienceweb academic papers collection*.

37. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 107-114.
38. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201.
39. Yuldashev, S. U. (2019). The role of the function of stabilization and development of society in scientific management (as socio-cultural technology). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.
40. Yuldashev, S. U. (2019). TECHNOLOGY OF SOCIAL AND CULTURAL PROJECTION IN SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY. *Theoretical & Applied Science*, (11), 621-623.
41. Юлдашев, С. Ў. (2022). Жамиятни инновацион бошқаришда илмий ёндашув. *Scientific progress*, 3(1), 20-25.
42. Yuldashev, S. U. (2022). SOCIO-CULTURAL FEATURES OF INCREASING THE INNOVATIVE ACTIVITY OF PERSONNEL. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 36-43.
43. Юлдашев, С. У. (2021). Давлат ва жамият бошқарувида кадрлар инновацион фаолиятини юксалтиришнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари. *НамДУ илмий ахборотномаси-Научный вестник НамГУ*.
44. Yuldashev, S. U. (2022). SOCIO-CULTURAL FEATURES OF INCREASING THE INNOVATIVE ACTIVITY OF PERSONNEL. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 36-43.
45. Yuldashev, S. U. (2020). THE HARMONIZATION OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES AND SPIRITUAL LIFE. In *ПЕДАГОГИКА. ПРОБЛЕМЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ, ИННОВАЦИИ* (pp. 32-34).
46. Yuldashev, S. U. (2020). SCIENTIFIC MANAGEMENT AS A SOCIAL AND CULTURAL TECHNOLOGY OF “STRATEGY OF ACTIONS”. In *ПЕДАГОГИКА. ПРОБЛЕМЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ, ИННОВАЦИИ* (pp. 35-37).